

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Ped.26.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**АБИДОВА НИЛУФАР ЗАКИРОВНА**

**КЎРИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ОҒЗАКИ  
НУТҚИДА КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

УДК: 371.911; 371.927

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical**

**Абидова Нилуфар Закировна**

Кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқида камчиликларни бартараф этиш технологиялари..... 3

**Абидова Нилуфар Закировна**

Технологии устранения недостатков устной речи у детей с нарушениями зрения..... 23

**Abidova Nilufar Zakirovna**

The technology of elimination of speech deficiencies in children with visual acuity..... 43

**Эълон қилинганд ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**АБИДОВА НИЛУФАР ЗАКИРОВНА**

**КЎРИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ОҒЗАКИ  
НУТҚИДА КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2017.3.PhD/Ped254 рақам билан рўйхатдан олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Мухитдинова Хадича Сабировна**  
педагогика фанлари доктори.

**Назарова Дилдора Асадовна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Ped/26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: факс: (+99871) 276-76-51

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ да \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Шарипов**

Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**Р.Г. Исянов**

Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

**Л.Р.Муминова**

Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа докторик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида қўришда нуқсони бўлган болалар таълим-тарбияси ҳамда ўқитиш технологиялари вариатив ҳамда мослашувчан дастурлар моделлар асосида такомиллаштирилмоқда. Дакар декларацияси асосида қабул қилинган «Таълим ҳамма учун» режа-дастури<sup>1</sup> асосида бутун жаҳонда жисмоний ва психик ривожланишда нуқсони бўлган болаларни жамиятимизнинг тенг хуқуқли аъзолари сафига қўшилишларига ёрдам бериш, улар таълимини изчил амалга ошириш, комплекс тадбирларни кенгайтириш долзарб вазифа қилиб қўйилмоқда.

Дунёда қўришида нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болаларни жамиятга тўлақонли ижтимоийлашуви, нутқий ва мотор ривожланиши, билиш жараёнларининг диагностикасини тизимли тарзда ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, болаларнинг билим, қўнікма, малакалари ва уларнинг ўсиш динамикаси ҳамда ривожланганлик даражасини аниқлаш, мактаб таълимига муваффакиятли тайёрлаш жараёнида дифференциаллашган таълимни ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириб бориш, болаларда нутқ камчиликларини бартараф этиш технологияларини ишлаб чиқиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамида болаларнинг ижтимоийлашуви имкониятларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоғи кенгайтирилди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, норматив хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди. Қўришида нуқсони бўлган болаларни тарбиялашда таълим тизимининг ролини кучайтириш, замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш асосида уларни интеллектуал, жисмоний ривожлантириш учун замин яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг 4.4 бандида «мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишининг жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш»<sup>2</sup> устивор йўналишлар

<sup>1</sup> Дакарские рамки действий. Образование для всех: выполнение наших общих обязательств // Текст, принятый Всемирным форумом по образованию Дакар, Сенегал, 26-28 апреля 2000 г. – Париж, 2000. – 18 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги 4947-Фармонига 1-иловаси (Lex.uz)

сифатида белгилаб берилган. Бу эса замонавий инновацион педагогик технологиялар, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усуллари асосида кўришида нуқсони бўлган болаларнинг бошланғич таълим дастурини муваффакиятли ўзлаштиришига тайёрлаш учун замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нутқнинг шаклланиши ва сўзни эгаллашнинг илк босқичи муаммоси Н.Сайдраҳимова, М.Курбонова, Ғ.Ғозиевларнинг ишларида; болалардаги нутқий камчиликни ўрганиш ва уни бартараф қилиш муаммоси З.Ахмедова, М.Аюпова, Л.Мўминова, Д.Назарова, Х.Пўлатова, М.Хамидова, Р.Шомаҳмудова, Ф.Қодировалар; жисмоний ёки психик ривожланишда нуқсони бўлган тарбияланувчиларга таълим-тарбия бериш жараённида нутқни ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари С.Ким, К.Мамедов, Д.Нуркелдиева, Л.Нурмуҳамедова, П.Пўлатова, В.Рахманова, Н.Рахмонқулова, М.Ҳакимова, Ш.Халирова, Ғ.Шоумаров, Д.Якубжановалар томонидан ўрганилган.

Махсус педагогикада кўришда нуқсони бўлган тарбияланувчилар нутқидаги камчиликларни бартараф қилиш масалалари МДҲ олимлари О.Алексеева, Л.Волкова, Т.Головина, В.Денискина, О.Дорошенко, Н.Костючек, В.Кручинин, А.Литвак, Л.Лукошевичене, И.Моргулис, И.Новичкова, Л.Плаксина, С.Покутнева, Л.Рудакова, Л.Солнцева, С.Хорош, В.Феоктистова, И.Чигринова, Е.Шлайларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Кўриш нуқсонининг тарбияланувчилар ривожланишига таъсири, билиш жараёнлари ва нутқни шакллантириш масалалари ҳорижлик олимлар: K. Becker, W. Belmer, N. Felden, N. Cuhrweirp, C.Urwin, L.Zeythen, John n J. Rieser, Heather Mason, David H. Warrenлар томонидан тадқиқ қилинган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги

Фан ва технологиялар Марказининг ЁА-1-001 «Мактабгача ва мактаб ёшидаги мураккаб нуқсонли болаларнинг дифференциал таълим-тарбия тизимини яратиш технологияси» мавзусидаги ёш олимлар амалий тадқиқотлар лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўришда нуқсони бўлган 5-7 ёшли болаларнинг оғзаки нутқидаги камчиликларнинг бартараф қилиниши технологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўришида нуқсони бўлган болалар нутқий фаолияти асосида уларнинг таълим олиш имкониятлари, коррекцион-ривожлантирувчи ишларнинг мазмуни, методларини таҳлил этиш;

кўришвда нуқсони бўлган болаларнинг оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш моделини маҳсус педагогиканинг устувор дидактик тамойиллари асосида такомиллаштириш;

ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида қўлланиб келаётган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш технологияларини дифференциал ёндашув асосида такомиллаштириш;

кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этишга доир илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** кўришида нуқсони бўлган болаларнинг оғзаки нутқи камчиликларини педагогик технологиялар воситасида бартараф этиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** кўришида нуқсони бўлган болаларнинг оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этишга йўналтирилган табақалаштирилган коррекцион-ривожлантирувчи технологиялар мазмуни, шакли ва методлари.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога доир психологик, педагогик, дефектологик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, педагогик қузатиш, сухбат, сўровнома, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** кўйидагилардан иборат:

кўришда нуқсони бўлган болалар нутқий фаолияти (мантиқийлиги, равонлиги, изчиллиги ва аниқлиги) ва унинг коммуникатив, экспрессив ва импресив компонентлари предметли-амалий ҳаракатлар билан уйғунлаштирилиши асосида ривожлантирилган;

кўришида нуқсони бўлган болалар нутқининг камчиликларини бартараф этиш босқичлари (ташхис, ташкилий-тайёргарлик, таълимий, баҳоловчи) ва нутқинг ривожланиш даражалари (паст, ўртадан паст, ўрта, ўртадан юқори, юқори) логопедик ташхислаш ва табақалаштирилган коррекцион-ривожлантирувчи ишлар мазмунини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчилар ривожланишининг хусусиятларини

(физиологик имкониятлари, оғзаки нутқ камчиликлари типлари, кўриш даражаси ва уни ҳимоялаш) ҳисобга олган ҳолда, нутқ камчиликларини бартараф этиш технологиялари савод ўргатишга тайёрлаш ва унга дифференциал ёндашув асосида такомиллаштирилган;

кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи перцептив имкониятлар, фонетик-фонематик таҳлил, луғат бойлиги, грамматик тушунчаларни ва ўқиши ўрганиш, уларга оид кўникмаларни ривожлантириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш жараёни мазмуни аникланган, шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилган;

кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш технологияларини таълим жараёнига жорий қилиш бўйича методик қўлланма нашр қилинган;

тадқиқот натижалари асосида бакалавриат таълим йўналишлари учун «Махсус психология» фани бўйича ўқув қўлланма ва дарслик яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, амалга оширилган таҳлиллар ҳамда тажрибасинов ишлари самарадорлиги математик-статистика методларда асосланганлиги; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш муаммоси илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги, қиёсий таҳлил асосида кўришида нуқсони бўлган болалар нутқи ривожланмаганлигининг 4та даражаси аниклаштирилганлиги ҳамда болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этишга йўналтирилган педагогик ишнинг мазмуни, методлари ва воситаларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларининг дефектология йўналиши учун ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурлари мазмунига тадқиқот натижалари асосида тегишли қўшимча ва ўзгартиришларнинг киритилганлиги, бакалавриат таълим йўналишлари учун ўқув қўлланма, дарслик яратилганлигига ўз аксини топади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган дидактик ресурслардан дефектологларни касбий қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида, ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари учун дастур ҳамда дарсликларни тайёрлашда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф қилиш технологияси бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Махсус педагогика», «Махсус психология» фанларининг мазмунини такомиллаштиришга оид таклифлардан «Педагогика» таълим соҳаси 5111900-Дефектология бакалавриат таълим йўналишининг Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатилган ўқув фанлари мазмуни бойитилган;

педагогика олий таълим муассасалари дефектология йўналиши талабалари учун «Махсус психология (Тифлопсихология)» дарслиги ва «Махсус психология» ўқув қўлланмасида назарий ҳамда амалий материал сифатида фойдаланилган. Хусусан, кўришида нуқсони бўлган таълим олувчиларнинг нутқи камчиликларини батараф этиш бўйича амалий тавсиялар берилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 мартағи 01-02/2-2-77-сон маълумотномаси). Натижада таълим мазмуни такомиллаштирилган, кўришида нуқсони бўлган болаларнинг оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этишда унумли педагогик технологиялар сифатида қўлланилган;

ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларидағи тажрибасинов ишларининг натижалари асосида мактабгача ёшдаги кўришда нуқсони бўлган тарбияланувчиларнинг оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш технологияси такомиллаштирилган ҳамда таълим жараёнига татбиқ этилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 21 майдағи 03-02/2-555-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар асосида таълим мазмуни такомиллаштирилган ва у мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактаб таълимига нутқий жиҳатдан муваффақиятли тайёрлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 республика ва 2 халқаро илмий-амалий анжумандадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 36та илмий-услубий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8та (7таси республикада ва 1таси хорижий журналларда) мақола тарзида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий мазмуни 163 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга

жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф қилишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган бўлиб, унда кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этишнинг психо-лингвистик тавсифлари, ижтимоий-педагогик моҳияти ҳамда болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф қилишга оид хориж тажрибаси ва технологиялари таҳлил қилинган.

Тадқиқотда нутқнинг онтогенезда ривожланиш муаммоси ечимида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Нутқнинг онтогенезда ривожланиш муаммосининг ечими Л.Виготскийнинг боланинг нутқи ривожланиши ва унда предметли-амалий фаолиятнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги қоидасига асосланади. Уларда диалог оғзаки нутқ тизимининг коммуникатив-фаолиятли ва ўзаро боғлиқ қисми сифатида қаралади.

Олиб борилган тадқиқотларда (Л.Виготский, А.Гвоздев, Р.Левина, М.Лисина, Д.Эльконин, А.Лурия, Н.Жинкин, М.Лъвов, И.Кулагин, Н.Пережигина, Н.Сайдраҳимова, Ғ.Ғозиев, М.Қурбонова) турли ёш даврларида нутқ ривожланиши тарбияланувчининг етакчи фаолияти билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Кўзи ожиз тарбияланувчилар нутқи ёшга оид ривожланишнинг умумий қонуниятларига бўйсунади ва етакчи фаолият (ўйин, ўқиши) билан белгиланади, бироқ унинг шаклланиши меъёрда кўрадиган тарбияланувчиларга қараганда мураккаброқ шароитда кечади.

Тадқиқот ишида бинокуляр кўриш ва кўз-ҳаракат функцияларининг бузилиши предметларнинг шакли, катталиги, муайан маконда жойлашишини идрок этиш ҳамда монокуляр кўришда макромаконда ҳажмли предметларни ажратиш, объектлар ўртасидаги масофани, уларнинг жойлашиши ва ўзаро муносабатларини нисбатлашда мураккабликлар аниқланган. Маълумки, перцептив имкониятларнинг камайиши предметли-амалий ҳаракатларнинг ривожланишига таъсир ўтказади. Кўриш даражаси ва ўз-ўзини назорат қилишнинг етарли эмаслиги воқеликдаги предмет ва ҳодисалар билан ҳаракатлар натижалилиги камайишига олиб келади. Предметли ҳаракатлар билан кўргазмали-образли ҳаракатлар натижалилиги ўртасида узилиш кузатилади. Болалар ўзларининг предметли ҳаракатларини ўз нутқида тавсифлашга қийналади, ҳаракатларнинг вербаллиги кузатилади.

М.Земцова, Н.Костючекларнинг аниқланишича, кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчилар нутқининг шаклланиши меъёрда кўрадиган тенгдошлари каби амалга ошиши, бироқ кўриш идрокининг йўқлиги ёки унинг пасайиши учта етакчи анализаторнинг (эшитиш, кинестетик ва кўриш анализаторлари) ўзаро боғлиқ фаолиятини ўзгартиришга олиб келиши қайд этилган.

Л.Волкова, Л.Дружинина, О.Дорошенко, О.Криницкая, А.Литвак, Л.Солнцева, Л.Лиходедова, И. Новичкова, Е.Шлай ва бошқаларнинг ишларида кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчиларда нутқи акти

тизимлари күргазмали образларга етарли даражада таянмай шаклланиши, тарбияланувчиларга бевосита абстракт тажрибадан таниш бўлмаган предметларни англатадиган сўз семантикаси баъзан нутқда рнал асосга эга бўлмаслиги ҳамда шу сабабли нотўғри маънода ишлатилиши, бу эса кўпинча билимларни формал ўзлаштиришга олиб келиши таъкидланади. Л.Волкова, А.Лукошевичене, Д.Маллаев, С.Покупневаларнинг ишларида эса кўришида нуқсони бўлган болаларда нутқнинг яхлит функционал тизим сифатидаги бузилиши билан боғлиқ кечадиган тизимли бузилишлар (лексик-грамматик, фонетик-фонематик нутқ камчилиги) ҳамда мантиқий фикрлаш жараёнлари ривожланишида оғишлар ҳам кузатилиши ўз тасдигини топган.

А.Литвакнинг таъкидлашича, кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчиларда нутқ камчиликлари соғлом тенгдошларига қараганда икки марта кўпроқ намоён бўлади. Т.Свиридюкнинг тадқиқот натижалари кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчиларнинг фонематик идроки, товушни таҳлил қилиш ва ўқишини ўрганишга оид дастлабки қўникмаларни ўзлаштиришда ортда қолишлар кузатилишини тасдиқлайди.

Л.Волкова ўз тадқиқот ишида кўришида нуқсони бўлган мактабга тайёрлов гуруҳи ва кичик мактаб ёшидаги тарбияланувчилар нутқ камчиликларини коррекциялаш ишларининг етакчи тамойиллар, комплекс ва ҳар томонлама ёндашиш асосида амалга оширишнинг зарурати кўрсатиб ўтилган. Ушбу тадқиқот натижасида кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчиларнинг тахминан 13,4 фоизида талаффуз қилишнинг, 84,6 фоизида нутқнинг тизимли бузилиши ҳолатлари кузатилиши аниқланган. Олима нутқ камчиликларининг бартараф қилиниши умумий моторика ва артикуляция аъзоларининг харакатчанлигини ривожлантириш ҳамда фазовий мўлжал олиш реакцияларини такомиллаштириш билан бирга олиб бориш лозимлигини таъкидлайди.

Кўришида нуқсони бор тарбияланувчилар нутқий фаолияти бўйича олиб борилган тадқиқот ишларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, ҳозирги кунга қадар мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларнинг предметли-амалий фаолиятининг турли шакллари ва нутқ жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги муаммоси етарлича ўрганилмаган. Ўтказилган тадқиқотларда кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчилар нутқ фаолияти ривожланиши жараёнидаги ортда қолишлар, камчиликларнинг сабаблари, омиллари аниқланган, аммо уларни бартараф этиш учун коррекцион-педагогик ишлари тизимлилигини таъминлаш, маҳсус технологияларни ишлаб чиқиш масалаларига кам эътибор қаратилган.

«Таълим технологияси», «педагогик технология» тушунчалари XX асрнинг 20-йилларида кириб келган бўлиб, ўқитиш тизимига индивидуал таълим технологиялари жорий қилингандан буён ўтган вақт мобайнида табақалаштирилган, дастурий, ривожлантирувчи, модул, муаммоли, лойиҳалаш, интерфаол, ҳамкорлик, компьютер, масофавий, инновацион ва мустақил таълим технологиялари каби ўнлаб таълим технологияларининг татбиқ этилишига олиб келди. Мазкур таълим технологияларининг барчаси

шахсга йўналтирилган бўлиб, таълим субъектларининг ички имкониятларини намоён қилиш, мавжуд қобилиятларини янада ривожлантиришга, таълимтарбия жараёнини кам куч, маблағ ва вақт сарфлаган ҳолда, самарали, унумли, муваффақиятли ташкил қилишга ёрдам беради.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида нутқий камчиликларни бевосита бартараф қилишга доир технологиялардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Булар қаторига «Товушни талаффуз қилиш технологияси» (Л.Лопатина, Н.Серебрякова, Е.Мастюкова, М.Ипполитова, И.Ермакова), «Нутқий нафасни шакллантириш технологияси» (А.Стрельникова), «Оғзаки нутқнинг суръат-ритм камчиликларини коррекциялаш технологияси» (М.Хватцев, Л.Арутюнян, Е.Дъякова), «Дизартрияли болаларда интонацияли-иғодавий нутқни ривожлантиришга доир технология» (Л.Лопатина, Н.Серебрякова)ларни киритиш мумкин, бироқ тарбияланувчиларнинг нутқий ривожлантиришга қаратилган логопедик технологиялар, асосан, нутқ, интеллектуал ва ҳаракат камчиликларига эга тарбияланувчилар учун йўналтирилган (Е.Архипова, О.Громова, О.Приходько, Е.Стребелева, Е.Шумилова ва бошқ.), лекин айнан қўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқини ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва технологиялар эса яратилмаган. Бу, албатта, кўзи ожиз тарбияланувчиларга ўз вақтида зарур сифатли педагогик ёрдамни ташкил қилишни қийинлаштиради.

Тадқиқот ишида қўришида нуқсони бўлган тарбияланувчиларнинг нутқини муваффақиятли ривожлантиришда ҳал қилувчи омил қўриши етишмовчиликлари шароитида нутқ шаклланишининг ўзига хосликларини хисобга олган ҳолда қўриш ҳолати, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларини қамраб олган шакл ва методларни ишлаб чиқиш ҳамда махсус ташкил қилинган логопедик ташхислаш ва табақалаштирилган коррекцион-ривожлантирувчи ишларни амалиётга татбиқ этиш зарурлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **«Кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқини экспериментал ўрганиш»** деб номланган иккинчи бобида қўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини текшириш методикаси ва тарбияланувчилар нутқининг ривожланганлик даражасини тадқиқ этишнатижалари ҳақида сўз юритилган.

Мактабгача ёшдаги қўришида нуқсони бўлган болаларнинг оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш муаммоси бўйича мақсадга йўналтирилган тадқиқот ишлари 2016-2017 йилларда Тошкент шахрининг 404-, 322-, 282-сонли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатининг мактабга тайёрлов бўлимида, Наманган шаҳридаги 31-сонли, Наманган вилояти Косонсой туманидаги 23-сонли, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 5-сонли, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 69-сонли давлат махсус кўп тармоқли мактабгача таълим муассасалари базасида олиб борилди. Олиб борилган тадқиқот натижаларининг таҳлили қўришида нуқсони бўлган тарбияланувчилар артикуляция соҳаси, фонематик таҳлил, нутқни тушуниш,

товуш талаффузи, сўзнинг бўғин таркиби, лугат бойлиги, нутқининг грамматик тузилиши, боғланишли нутқининг ҳолатини ўрганиш ва тавсифлаш имконини берди.

Мактабгача ёшдаги қўришда нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқини логопедик жиҳатдан ўрганиш барча нутқ компонентлари ҳамда нутқий бўлмаган функциялар ҳолатини таҳлил қилишни тақозо этди. Бунда қўйидаги ҳаракатлар босқичма-босқич амалга оширилди:

1.Кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчилар ҳақида анамнестик маълумотларни тўплаш, тарбияланувчиларнинг ота-оналари шикояти, талабларини ўрганиш, уларнинг кўриш, эшитиш ҳолатини ўрганиш.

2.Кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчилар умумий ва майда моторика ҳолатини, артикуляция соҳасини текшириш. Бу қўйидаги кўрсаткичларни аниқлашга қаратилди: ҳаракатларнинг ҳажми, аниқлиги, бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга мустақил ўтиши; ҳаракатлар координацияси, синкинезияларнинг (бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган қўшимча ихтиёrsиз ҳаракатлар) мавжудлиги, мақсадга қаратилган ҳаракатларни баҳолашда (тўлиқ шаклланган – барча топшириқлар тўғри бажарилди, тўлиқ эмас, яъни топшириқлар хато ёки маълум бир қисмигина бажарилди) ҳаракатларнинг аниқлиги, равонлиги (ҳаракатлар ўзаро мувофиқ, ҳаракатлар мувофиқлиги бузилган – бир-икки кўрсаткич бўйича меъёрдан орқада қолиш, синкинезияларнинг мавжудлиги, ҳаракатлар мувофиқлигининг қўпол бузилиши, хуллас барча кўрсаткичлар бўйича меъёрдан орқада қолиш), мустақиллиги (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган, катталар ёрдами асосида) каби маълумотлар аниқланди.

Кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчилар нутқининг ривожланганлик ҳолатини ўрганиш. Бунинг учун нутқининг фонетик, лексик-грамматик, бўғин, товуш таҳлили ҳамда синтезининг ривожланганлик ҳолати ўрганилди. Кўришида нуқсони бўлган болалар сўз бойлигининг қашшоқлиги туфайли маълум бир гуруҳ сўзларидангина фойдаланиши натижасида нутқининг бир ёқлама, ноаниқ бўлиши кузатилди. Бу ҳолат кўриш идроки ривожланишининг асосини ташкил этувчи перцептив ҳаракатлар ва жараёнларнинг шаклланишини кечиктиради. Кўришида нуқсони бўлган болалар томонидан тугалланмаган, маънога эга бўлмаган гаплар тузиш, сўзларнинг ўрини алмаштириб қўллаш каби камчиликлар аниқланди.

3.Мактабгача ёшдаги кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчиларнинг боғланишли нутқининг ҳолати ўрганилди. Текшириш натижаларига кўра, аксарият ҳолларда тарбияланувчилар томонидан тузилган ҳикоялар 1-3та гапдан иборат бўлди ва жуда кам ҳолларда 3-5та гапдан ташкил топди. Масалан, таклиф этилган мавзу бўйича ҳикоя тузиш топшириғини мустақил тарзда тўғри бажарган тарбияланувчилар сони 21 нафар (12%), дефектологнинг ёрдамидан фойдаланган тарбияланувчилар сони 24 нафар (14%), хатоларни тузатиш натижасида топшириқнинг ярмини бажарган тарбияланувчилар сони 82 нафар (48%), баён этишнинг изчилли, кўлами, яхлитлиги бузилган, қўлланилган тил воситаларининг камлиги ва бир


хиллиги кузатилган тарбияланувчилар сони  
этди.

Фикримизча, кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчиларда кузатилган бундай ҳолатларнинг сабаби машғулотларда кўргазмали-мантиқий усуллардан етарлича фойдаланмаслик ва сўзларни предмет ҳамда ҳодисаларнинг белгиларига керагича таянмай қўллашда намоён бўлади.

Ўтказилган текшириш натижалари ва тўпланган баллар асосида ҳар бир тарбияланувчининг нутқий ривожланиш ҳолати ҳақида маълумот олинди ҳамда болалар тўлиқ логопедик кўрикдан ўтгач, улар нутқи ривожланмаганлигининг 4 та даражаси аниқланди (1-расм).

Мазкур диаграммага кўра, тажриба-синов ишларига жалб қилинган кўришида нуқсони бўлган респондентлар орасида нутқи ривожланганлигининг юқори даражасига эга бўлган болалар кузатилмади.

Кўришда нуқсони бўлган нутқи ривожланганлигининг IV (ўртадан юқори) даражасига эга тарбияланувчилар 21%ни (36 нафар тарбияланувчи) ташкил қилди. Уларнинг айримларида фақат товуш талаффузи камчиликлари, баъзиларида товуш талаффузи меъёрда бўлса-да, лекин лексик-грамматик камчиликлар қайд қилинди. Шунга кўра, ушбу даража ҳам меъёр сифатида қабул қилинмайди.



**1-расм.** Мактабгача ёшдаги кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқининг ривожланмаганлик кўрсаткичлари (таъкидловчи тажриба ишлари)

Мактабгача ёшдаги кўришида нуқсони бўлган нутқи ривожланганлигининг III (ўрта) даражасига эга тарбияланувчилар 25%ни (43 нафар тарбияланувчи) ташкил қилди. Бу гурухга кирувчи тарбияланувчиларнинг нутқи нисбатан тушунарли, бироқ улар нутқида лексик-грамматик, фонетик-фонематик камчиликлар (товушлар талаффузида сиргалувчи ва шовқинли сигматизм, ротацизм, парасигматизм, параротацизм, параламбдацизм) ҳамда аграмматизмлар кузатилди.

Таъкидловчи тажриба-синовда иштирок этган тарбияланувчилар нутқи ривожланганлигининг II (ўртадан паст) даражаси 50%ни (87 нафар тарбияланувчи) ташкиэтди. Уларнинг нутқида лексик-грамматик, фонетик-

фонематик камчиликлар, товуш, бўғин таҳлили ҳамда синтезининг ривожланмаганлиги, аграмматизмлар мавжудлиги кузатилди. Тарбияланувчилар кенгайтирилган ҳикоя туза олмайди, товушларни эшитиш ва талаффуз қилиш малакалари дифференциацияланмаган, фонематик таҳлил қилиш малакалари шаклланмаган.

6 нафар (4%) тарбияланувчидагина нутқ ривожланишининг I (паст) даражаси кузатилди. Бу гурухга кирувчи тарбияланувчилар нутқи коммуникатив функцияни етарли бажармайди. Луғат бойлиги чекланган (улар берилган топшириқларни 40–45% бажаришди), предметлар ва умумлаштирувчи сўзлар ҳамда образлар ўртасидаги алоқаларни тушуниш, товушларни эшитиб фарқлашда камчиликлар борлиги, фонематик таҳлил ҳамда синтез жараёнларининг шаклланмаганлиги аниқланди. Бу гурухга кирувчи тарбияланувчиларнинг боғланишли нутқи ривожланмаган, уларнинг нутқи алоҳида сўзлардан иборат.

Мактабгача ёшдаги қўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқининг ривожланганлик даражасини ва ўзига хослигини аниқлаш улар нутқи камчиликларини бартараф этиш муаммосининг амалий томондан ўрганилиши учун объектив маълумотлар олиш имконини берди. Шунингдек, республикамида маҳаллий шароитда мактабгача ёшдаги қўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф қилиш бўйича маҳсус тадқиқот иши олиб бориш зарурати юзага келгани эътиборга олиниб, логопедик-коррекцион технологиялар такомиллаштирилди.

Ишнинг «Кўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқидаги камчиликларни бартараф этиш технологиялари» деб номланган учинчи бобида қўришида нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш модели, тажриба-синов ишлар методикаси ва олинган натижалари ҳамда уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинди, болалар оғзаки нутқи камчиликларининг бартараф этилиш жараёнини такомиллаштиришга доир педагогик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўқув жараёни экспериментининг мазмуни ва методикасини ишлаб чиқишида мазкур муаммога доир назарий, методик ва амалий материаллардан фойдаланилди. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида қўришда нуқсони бўлган тарбияланувчиларнинг оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш модели такомиллаштирилди (2-расм).

Таклиф қилинаётган модель асосида болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф этиш бўйича коррекцион-педагогик ишлар тизими қуидаги 4 босқични қамраб олди:


Ташхис босқичи: нутқ нуқсони ҳолати ва даражасини ташхислаш ишлари.

Ташқилий босқич: тифлопедагог ҳамда логопед билан ҳамкорлик, касбий консилиум, педагогик лойиҳалаш, методикани асослаш, технологияни такомиллаштириш.

Таълимий босқич: тифлопедагог, логопед ҳамда ота-оналар билан ҳамкорликдаги таълимий коррекцион-педагогик фаолият.

**Кўришида нуқсони бўлган болаларнинг оғзаки нутқидаги камчиликларни бартараф этиш**

**Максад** - мактабгача ёшдаги кўришда нуқсони бўлган болаларнинг нутқ компонентларини ривожлантириш, камчиликларини олдини олиш ва бартараф этиш



**Натижа** - тил воситалари шаклланган; фонетик-фонематик ҳамда лексик-грамматик нуқсонлар бартараф этилган; умумий, майда артикуляцион моторика, шунингдек, боғланышли нутқ ривожланган; бола саводни ўзлаштиришга, мактаб таълимига нуткий жиҳатдан тайёр

**2-расм.** Кўришида нуқсони бўлган (5-7 ёшли) болаларнинг оғзаки нутқидаги камчиликларни бартараф этиш модели

Баҳоловчи босқич: нутқнинг ривожланганлигини, ўтказилган тажрибасинов натижаларини ва технология самарадорлигини баҳолаш. Кўришда нуқсони бўлган тарбияланувчилар билан олиб бориладиган барча коррекцион ишлар болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф қилиш, тарбияланувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилди. Бунга таълим жараёнида логопед, тифлопедагог, тарбиячининг ҳамкорлиги асосида тарбияланувчига машғулотлар жараёнида комплекс, ҳар тарафлама таъсир этиш асосида эришилиши бу тарбияланувчилар учун машғулотларнинг дифференциацияланган тизимини ишлаб чиқиш коррекцион-логопедик ишларнинг асосий шартини ташкил қилди.

Таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида болаларнинг нутқий имкониятлари билан биргаликда, яқин ривожланиш доираси ҳам ҳисобга олинди. Бунда “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”га таянилди ва шу асосда дастур, истиқбол режа, машғулот ишланмалари ҳамда интерфаол технологиялар такомиллаштирилди. Дастур ўқув йилига мўлжалланган бўлиб, ўқув йили бошида 2 ҳафта давомида олиб борилган текширувдан сўнг, нутқ ўстириш машғулотлари 36 соат, тўғри талаффузга ўргатиш машғулотлари ҳам 36 соат, жами 64 соатни ташкил этди.


Дифференциалланган логопедик ишлар кўришида нуқсони бўлган болалар нутқининг ривожланганлик даражасига кўра ташкил этилди. Нутқий ривожланишнинг 4-даражасига (ўртадан юқори) эга бўлганболалар билан олиб бориладиган ишлар товушлар талаффузи камчиликларини бартараф этишга қаратилди. Нутқий ривожланишнинг 3- ва 2-даражасига (ўрта ҳамда ўртадан паст) эга бўлганболалар билан нутқнинг фонетик-фонематик, лексик-грамматик томони камчиликларини коррекциялаш, нутқий ривожланишнинг 1-даражасидаги (паст) эга болалар билан нутқнинг барча томонлари қўпол бузилишларини бартараф этишга қаратилган комплекс ишлар олиб борилди.

Коррекцион-логопедик таълим жараёнида болаларнинг машғулотларга бўлган қизиқишини рағбатлантириш мақсадида полисенсор, мультимедияли таълим воситаларидан, ўйин ва бошқа таълим технологиялари асосида педагогик фаолият ташкил этилди.

Кўришида нуқсони бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф қилиш ва тарбияланувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилди. Логопедик текширувлар натижаси ва режалаштирилган коррекцион ишлар кейинчалик тарбияланувчиларнинг кўриш қобилияти, нутқининг ривожланганлик ҳолати, идрок қилиш усуллари, индивидуал кўрсаткичларини инобатга олиб, дифференциаллашган машғулотларни ташкил қилишга имкон яратди.

Турли мавзуларга оид машғулотларда болаларга таниш бўлган сўзларнинг такрорланиши ва янгиларининг киритилиши ҳамда ўзлаштирилишига алоҳида аҳамият берилди. Ушбу ишларни амалга оширишда “Денотатга муносабат”, “Вазиятга муносабат”, “Таққослаш”, “Намуна билан солиштириш”, “Изоҳ асосида билиш” каби технологиялардан

фойдаланилди (3-расм).



**3-расм.** “Денотатга муносабат” технологиясининг чизмаси

Юқорида номлари келтирилган технологиялар күришида нүқсони бўлган болалар ривожланиш хусусиятларини (физиологик имкониятлари, оғзаки нутқи камчиликларининг хусусиятлари, кўриш даражаси) ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилди.

Мактабгача ёшдаги кўришда нүқсони бўлган болаларнинг нутқидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган тажриба-синов ишлар натижасида болалар нутқи ривожланганлигининг V даражаси аниқланди, яъни ушбу даражага эга болалар оғзаки нутқидаги камчиликлари тўлиқ бартараф этилишига эришилди. Натижада болаларнинг нутқи мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган Давлат талабларида қайд этилган 5 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар учун индикатор кўрсаткичларига мос келиши таъминланди.

Таълимий тажриба-синов ишларида жами 172 нафар, тажриба гуруҳида 86 нафар, назорат гуруҳида 86 нафар тарбияланувчи қатнашди. Таълимий тажриба-синов натижаларига кўра, тажриба гуруҳида ижобий силжишлар юзага келди. Натижалар ўртасидаги аҳамиятли фарқ 8,6% ни ташкил этди ва биз томондан ишлаб чиқилган дастурнинг ижобий натижа берганлигини кўрсатди (1-жадвал).

### 1-жадвал


#### Тажриба ўтказилган вақтда тажриба ва назорат гуруҳлари болалар нутқининг ҳолати ва ривожланганлик даражалари

Тажриба сўнгиди	Тажриба аввалида	Тажриба ўтказилган вақт	гуруҳлар	Болалар нутқининг ривожланганлик даражалари					Жами болалар
				паст	ўртадан паст	ўрта	ўртадан юқори	юқори	
Тажриба	тажриба гуруҳи	тажриба гуруҳи	4	45	20	17	0	86	
			5%	52%	23%	20%	-	100 %	
	назорат гуруҳи	назорат гуруҳи	2	42	23	19	0	86	
			2%	49%	27%	22%	-	100 %	
сўнгиди	тажриба гуруҳи	тажриба гуруҳи	0	6	30	35	15	86	
			-	7 %	35 %	41 %	17 %	100 %	
	назорат гуруҳи	назорат гуруҳи	0	19	34	25	8	86	
			-	22%	40%	29 %	9%	100 %	

Тажриба натижаларидан олинган маълумотлар асосида статистик таҳлил ишлари хи-квадрат мезони асосида амалга оширилди. Педагогик тадқиқотда назорат гуруҳида олиб борилган анъанавий ва тажриба гуруҳида олиб борилган маҳсус методика асосида олинган натижалар билан таққосланиб, тажриба гуруҳидаги натижаларнинг самарали эканлиги кўрсатилди

( $T_{кузатув} = 10,8 > T_{kp} = 7,815$ ).

Куида олинган баҳоларни диаграмма кўринишида келтирамиз (4-расм).



**4-расм.** Тажриба ва назорат гурухларида тажриба аввалида ҳамда сўнгига олинган баҳолар.

Аниқланган мезонлар бўйича тажриба гурухидаги ўртача ривожланганлик даражаси 8,6% га юқори эканлиги тасдиқланди. Якуний натижалар педагогик тажриба-синов ишлари учун тавсия қилинган технология модели ижобий самара берганлигини далиллади.

Олиб борилган тадқиқот иши, олинган илмий-назарий натижалар асосида қуидаги фикрларга келинди:

## ХУЛОСА

1. Махсус педагогика фанида қўриш камчиликлари бўлган болаларда нутқ ривожланмаганлиги ва уларнинг хусусиятлари махсус ўрганилмамаганлиги, қўришида нуқсони бўлган тарбияланувчилар нутқини ривожлантиришни коррекциялаш механизмлари ҳамда йўлларининг ишлаб чиқилиши заруратини юзага келтирди.

2. Кўришида нуқсони бўлган тарбияланувчилар нутқининг шакланиши, ривожланиши умумий қонуниятларга бўйсунади, бироқ ўзига хос хусусиятларга ҳам эгалиги аниқланди. Булар: нутқий ривожланиш суръатларининг меъёрда кўрадиган тенгдошлари билан қиёслангандан пастлиги, аксарият ҳолатларда нутқнинг айрим компонентлари эмас, балки яхлит тизим сифатида бузилиши рўй беради

3. Кўришда нуқсони бўлган тарбияланувчилар нутқи ривожланишига нафақат тарбияланувчиларнинг кўриш функцияларининг ҳолати, балки уларнинг кўриш идроки ва ҳис қилиш тажрибаси, шунингдек, ушбу контингентни тарбиялаш ҳамда ўқитишнинг ўзига хос шароитлари уни коррекцион-ривожлантириш жараёнида етарлича ҳисобга олинмаслиги ҳам

таъсир этади. Тарбияланувчиларнинг кўриш имкониятлари пастлиги сенсор эталонларни мустақил тўлақонли ўзлаштиришга имкон бермаслиги, бу перцептив ҳаракат ва операцияларни секинлаштириши, предметли тасаввурлар сифатининг пасайишига сабаб бўлиши аниқланди.

4. Мактабгача ёшдаги кўришда нуқсони бўлган тарбияланувчиларнинг оғзаки нутқини текшириш натижалари бу тоифадаги болалар нутқи ривожламаганлигининг тўрт даражаси мавжудлигини кўрсатди.

5. Биринчи (паст) даражадаги болаларда оғзаки нутқинг тизимли ривожланмаганлиги ушбу тарбияланувчиларда она тилининг фонетик-фонематик, лексик-грамматик воситаларидан етарли фойдалана олмаслиги, улар ўз фикрларини маълум изчилликда, мантиқий боғланган ҳолда баён қила олмаслиги юз бериши аниқланди ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

6. Иккинчи (ўртадан паст) даражадаги болалар нутқида лексик-грамматик ва фонетик-фонематик жиҳатдан ривожланмаганлигининг ҳоллари кузатилиши, тарбияланувчилар нутққа эга бўлган холатда инсонлар билан алоқа боғлашда қийналишлари, ушбу тарбияланувчиларда товушларни талаффуз қилиш жараёнида уларни бир-биридан ажратса олмаслик, товушлар гуруҳини артикулация жиҳатидан осонроқ бўлган товушларга алмаштириш, баъзи ҳолларда бузиб талаффуз қилиш характерли экани, лугат бойлигининг камлиги, гапларда тўлиқ шакллантирмаслик каби турғун грамматик хатолар кузатилиши аниқланди, уларни бартараф этишга доир ўйин ҳамда нутқда боғланишларни ифодаловчи «Денотатга муносабат», «Вазиятга муносабат», «Таққослаш», «Намуна билан солишириш», «Изоҳ асосида билиш» технологиялари такомиллаштирилди.

7. Учинчи даражадаги (ўрта) болаларда нутқни идрок ва талаффуз қилиш билан боғлиқ бўлган фонетик-фонематик жиҳатининг бузилиши характерлидир. Ушбу тарбияланувчиларда фонематик идрокнинг ривожланмаганлиги товуш тузилиши бўйича ўхшаш бўғин, сўзларни билишда ва уларни аниқ ажратса олмасликда, товушлар дифференциацияси жараёнини тугалланмаганлигига, акустик ва артикуляцион белгилари билан фарқ қиласиган товушларни фарқлай олмаслигига намоён бўлиши аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари кўрсатиб берилди.

8. Тўртинчи даражадаги (ўртадан юқори) тарбияланувчиларда товушлар талаффузи камчиликларида нутқинг фонетик нуқсонлари ёки алоҳида товушлар талаффузи камчиликлари кузатилиши, товушлар талаффузида камчиликлар кузатилмаса-да нутқида лексик-грамматик камчиликлар аниқланди.

9. Мактабгача таълим ёшидаги кўриш нуқсон бўлган болалар оғзаки нутқини ривожлантириш ишларининг мазмуни ва маҳсус усусларини қамраб олган логопедик технология такомиллаштирилди ва «Кўришда нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқи камчиликларини бартараф қилиш технологияси» дастури асосида апробациядан ўтказилди. Таълимий тажрибасинов ишлари қуидагиларни тасдиқлади:

- логопедик-коррекцион машғулотларни комплекс тарзда амалга ошириш, яъни логопед психолог, тарбиячи, дефектолог (тифлопедагог), ота - оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

- тарбияланувчининг муҳим функционал соҳаларини (умумий, майда ва артикуляция моторикаси ҳаракатчанлигини такомиллаштириш, когнитив-амалий функцияларни шакллантириш, перцепция малакаларини тарбиялаш) ривожлантириш ишлари билан параллель равишда нутқ нуқсонларини коррекциялаш ҳам ташкил қилинди. Логопедик-коррекцион ишларни ташкил этишда кўришда нуқсони бўлган тарбияланувдаги у ёки бу функцияларнинг мавжуд эмаслиги нуқтаи назаридан туриб эмас, балки унда сақланиб қолган қобилият, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб ёндашиш зарурлиги ўз ифодасини топди.

10. Мактабгача ёшдаги кўришда нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқидаги камчиликларни бартараф этишнинг биз ишлаб чиқсан технологиянинг самарадорлиги экспериментал текширув натижаларида ва мидор, сифат математик-статистик таҳлилларда ўз тасдигини топди. Тажриба-синов ишлари тажриба гуруҳида мактабгача ёшдаги кўришда нуқсони бўлган болалар оғзаки нутқини ривожлантириш самарадорлик даражаси 8.6%га ошганлиги исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**АБИДОВА НИЛУФАР ЗАКИРОВНА**

**ТЕХНОЛОГИИ УСТРАНЕНИЯ НЕДОСТАТКОВ УСТНОЙ  
РЕЧИ У ДЕТЕЙ С НАРУШЕНИЯМИ ЗРЕНИЯ**

**13.00.03 – Специальная педагогика**

**Автореферат диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.PhD/Ped254.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Ҳакимова Мұҳаббат Файзиевна**  
доктор педагогических наук

**Официальные оппоненты:**

**Мухитдинова Хадича Сабировна**  
доктор педагогических наук

**Назарова Дилдора Асадовна**  
кандидат педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Кокандский государственный  
педагогический институт**

Защита диссертации состоится «   «   2018 года в    часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped/26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-57; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №  ). Адрес: адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-57;

Автореферат диссертации разослан «  »    2018 года.  
(протокол рассылки №   от    2018 года).

**Ш.С. Шарипов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., проф.

**Р.Г.Исянов**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.п.н., доц.

**Л.Р.Муминова**  
Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней  
д.п.н. проф.

## **Введение (аннотация диссертации доктора наукфилософии PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В данное время в ведущих высших образовательных учреждениях и научных центрах мира совершаются технологии обучения и разрабатываются инновационные, высокоэффективные методы обучении детей с нарушением зрения. На основе плана-программы “Образование для всех”, принятой в рамках Дакарской декларации<sup>1</sup>, по всему миру актуальными являются содействия и помощи в присоединение детей с нарушениями в физическом и психическом развитии в ряд равноправных членов общества, осуществление их последовательное образования.

Ряд современных исследований посвящены вопросам усовершенствования системной организации диагностики процессов полной социализации, познавательного, речевого и моторного развития детей дошкольного возраста с нарушением зрения. Также, приобретает актуальность определение состояния знаний, навыков и умений детей, динамики и развития роста познавательных способностей, усовершенствование педагогических механизмов организации дифференцированного обучения в процессе успешной подготовки к школьному обучению, разработка технологий устранения нарушения речи у детей.

В нашей республике в целях повышения возможностей социализации детей, развития их разностороннего развития и коренного улучшения подготовке к школе организовано Министерство дошкольного образования, расширены государственные и негосударственные отрасли учреждений дошкольного образования, укреплена материально-техническая база, разработана система нормативных правовых документов. На основе усиления роли системы образования в воспитании детей с нарушениями зрения, внедрения в образовательно-воспитательный процесс современных программ и технологий создана основа интеллектуального и физического развития детей. В «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2018 годы» отмечается, что «расширение сети дошкольных образовательных учреждений и коренное улучшение условий в данных учреждениях для все стороннего интеллектуального, эстетического и физического развития детей, обеспечение доступности и значительного повышения охвата детей дошкольным образованием, повышение уровня квалификации педагогов и специалистов»<sup>2</sup>. Осуществление этих мер посредством современных

---

<sup>1</sup> Дакарские рамки действий. Образование для всех: выполнение наших общих обязательств // Текст, принятый Всемирным форумом по образованию Дакар, Сенегал, 26-28 апреля 2000 г. – Париж, 2000. –18с.

<sup>2</sup> Приложение №1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017г. №4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2018 годы» (Lex.uz)/

инновационных педагогических технологий, эффективных форм и методов образования и воспитания создаёт возможность подготовки детей с нарушениями зрения к успешному усвоению программы начального образования.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, намеченных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №2707 от 29 декабря 2016 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы дошкольного образования на 2017-2021 годы”, в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, в Указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-5198 от 30 сентября 2017 г. «О мерах по коренному совершенствованию управления системой дошкольного образования» а также в ряде других нормативно-правовых актах, касающихся этой деятельности.

